

Ёмон ҳам ўтар, яхши ҳам — яхши бил, Сени яхши ном бирла ёғ этсин эл.

САЪДИЙ

Mustaqillik huquq demakdir

HUQUQ

18

(333)

YURIDIK GAZETA

May					
D.	31	3	10	17	24
S.	4	11	18	25	
Ch.	5	12	19	26	
P.	6	13	20	27	
J.	7	14	21	28	
Sh.	1	8	15	22	29
Y.	2	9	16	23	30

2004

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqqan boshlagan.

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: info@huquq.uz

9 май — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ



А. Тўрпеев олган сурат

ОТА-ОНАНГИ ТАВОФ АЙЛА!

Яқинда бошимизга оғир мусибат тушди. Энажонимиздан (бизда онани шундай аташди) айрилиқ қолдик. Меҳрибонимиз, дуоғулимиз оламдан ўтди.

Нолисак ношукрлик бўлади: энажоним Мунаввар Мирзо қизи (илоҳим, жойлари жаннатдан бўлсин!) саксон икки йил умр кўрди. Уч ўғил, тўрт қизни тарбиялаб вояга етказди. Ўнлаб неварачеварали бўлди.

Волидамизнинг вафоти бизни чқур қайғуга солди. Юрак-бағримизга ўт туташди. Кўз ёшларимиз жала бўлиб куйилди. Назаримда, бу ёғур олам ҳувиллаб қолгандек эди.

Одам тафтини одам олади деганлари рост экан. Қариндош-уруғ, дўст-биродарлар ҳамдард бўлишди. Хусусан, биринчи маъракази ўтгунча уйдан одам аримади. Яхшилар илқ сўз ва панд-насихатлари билан далда бўлишди.

Ўша кунлари бир неча бор маърифатли кишиларнинг динудиёнат, меҳр-оқибат, гуноҳу савоб тўғрисидаги пурмазмо сўхбатларидан баҳраманд бўлдим. Уларнинг ота-она хусусидаги фикрларидан гоят таъсирландим.

Буни қарангки, ҳатто «Қуръони Карим»да ота-онага бағишланган алдоҳида оятлар бор экан. Мулла Абдуқаҳҳор уни асил ҳолида қироат қилиб, сўнг моҳиятини тушунтирди. Менинг илтимосимга кўра, унинг она тилимиздаги матнини ёзиб ҳам берди. Ана шу муборак сўзларни сизларнинг ҳам эътиборингизга ҳавола этмоқчиман:

«Парвардигорингиз ёлғиз унинг ўзига ибодат қилишларингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишларингизни амр этди. Агар уларнинг (ота-онангизнинг) бирови ёки ҳар иккиси сенинг қўл остидагидек кекса-

лик ёшига етса, уларга қараб уф торتما ва уларнинг сўзларини қайтарма. Уларга доимо яхши сўз айт».

«Улар учун меҳрибонлик қанотини паст тутиб, хокисор бўл ва: «Парвардигорим, мени (улар) гўдаклик чоғимдан тарбиялаб ўстирганларидек сен ҳам уларга раҳм-шафқат қилгил» дея ҳақларига дуо қил» («Ал-Исро» сураси 23-24-оятлар).

— Мўмин-мусулмонларга фақат уч нарсани тавоф қилиш буюрилган, — дейди Кўчқорхожи, — Қаъбатуллоҳни, «Қуръони Карим»ни ва ота-онани. Бошқа нарсаларга сизгиниш нодуруст.

— Биласизлар, намоз қилблага қараб ўқилади, — дейди Эшқобил домла. — Қилба бу Қаъба — Оллоҳнинг уйи! Улуғлар фарзанд учун ота-онани ҳам қилблага ўқшатишган.

(Давоми 2-бетда).

МUNOSABAT

ҚОНУНЧИЛИК ИСЛОҲОТИ

Олий Мажлиснинг навбатдаги ўн тўртинчи сессияси мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаёти билан боғлиқ бир қатор масалалар муҳокамасини камраб олганлиги билан аҳамиятли бўлди. Сессияда мамлакатимиз Президенти Исрол Каримов сўзга чиқиб, шу йилнинг март-апрель ойларида юртимизда содир бўлган террор ҳаракатларига асосли баҳо берди. Халқимиз тинчлиги, чегараларимиз мустақамлиги учун ҳукуватимизнинг бу ёвуз қучларга қарши қатъий кураши халқ иродаси билан бундан кейин ҳам давом этишини таъкидлаб ўтди. Сессияда депутатлар эътиборига мамлакатимиз давлат бюджетининг 2003 йилдаги ижроси ҳавола этилди. Бюджет масаласи муҳокамасида сўзга чиққанлар ўтган йилда давлат бюджетининг харажат ва даромадлари белгиланган мезёрда бўлганлигини, бу эса ўз навбатида макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга катта ҳисса қўшганлигини эътироф этдилар. Сессияда депутатлар «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»-ги, «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»-ги, «Электрон тижорат тўғрисида»-ги, «Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан фойдаланиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳаларини муҳокама қилдилар ва иккинчи ўқишда қонун лойиҳалари маъқулланди.

Парламент сессиясида депутатлар «Сийсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»-ги қонун лойиҳасини қизгин муҳокама қилдилар. Сессия муҳокамасининг марказида бўлган энг долзарб масалалардан бири — мазкур қонун лойиҳаси бўлди дейиш мумкин. Аслида партиялар фаоллиги ва ҳаракати мамлакатимиз Президентини томонидан бундан аввал ҳам бир неча бор кўтарилган. Бугун мамлакатимизда мавжуд партияларнинг кескин қарашни ёки собитқадам йўналишига гувоҳ бўлганимиз йўқ. Очиқ эътироф этиш керак, уларнинг бир-биридан ажралиб турадиган жиҳатини ҳам кўпда фарқлай олмаيمиз. Гоҳида партиялар-

нинг фаолиятдан жамиятимиз қандай манфаатдор, деган эътирозли саволга ҳам дуч келамиз. Давлатимиз раҳбари партиялар ва уларнинг етакчиларини сиёсий майдонда фаол курашишга чақирди. Узёқ муҳокама-лардан сўнг шу нарса аён бўлдики, гоғлар тўқнашувни, халқни ўз йўналиши атрофида жиғлашувга чорловчи партияга эҳтиёж катта. Бундай партияларнинг фаоллигидан жамият катта манфаат кўради. Лойиҳа муҳокамасидан сўнг депутатлар бу қонунни ва уни амалга киритиш тўғрисидаги қарорни қабул қилдилар.

Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»-ги қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда муҳокама қилинди. Сир эмаски, бугун у, ё бу ҳудудда содир этилаётган террор хуружлари кўп ҳолларда четдан туриб молиялаштириляпти. Содир этилаётган бундай кўпорувиликлар «буюртма» жиноятнинг ижрочиларини катта маблаг билан таъминламокда. Мазкур қонун лойиҳаси терроризмнинг халқаро майдондаги фаолиятига зарба бериш, уни четдан туриб молиялаштиришга қонун йўли билан барҳам беришни мақсад қилиб қўйган.

Парламент депутатлари сессияда «Экспорт назорати тўғрисида»-ги қонун лойиҳасини ҳам биринчи ўқишда маъқулладилар. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги қонун лойиҳаси ҳам сессияда қабул қилинди.

Бир сўз билан айтганда, Иккинчи чақирив Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси мамлакатимизнинг қонунчилик тизимини такомиллаштириб, унинг халқаро доирадаги обрўйини оширишга ҳисса қўшувчи қонунларни қабул қилди. Янги қонунларнинг ҳаётга йўлланмаси демократик ислохотларнинг бардавомийлигини таъминлашга ҳисса қўшади.

Тоҳир САЙДБОБОВ,
ҳуқуқшунос-журналист

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Қонунчиликни мустақамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази ташаббуси билан Тошкент шаҳар прокуратурасида «Судларда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда прокурор ваколатини таъминлаш вазиқлари» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди.

Анжуманда Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти прокурорларининг ўринбосарлари, судларда фуқаролик ишлари қўрилишда прокурор ваколатини таъминлаш бўлими бошлиқлари, туман ва шаҳар прокурорлари, Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг судьялари, ҳуқуқшунос олимлар иштирок этдилар.

Анжуманда судларда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш самардорлигини ошириш ва қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан бир қатор тақлифлар киритилди.

М.ШОДМОНОВА,
Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети талабаси

